

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТ КОМИТЕТЛАРИ,
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-ИЛ ЧИКИШИ

№ 73 (2364),

13

АПРЕЛЬ
ШАНБА
1963 ИЛ

БАҲОСИ
2 ТИНИН

Ватанга 3 миллион 566 минг тонна „оқ олтин“
берайлик! Мажбуриятимизни бажардик! — деб очиқ нў-
нгил, чин виждон билан партияга, ҳукуматга, қадрдон
Никита Сергеевич Хрущевга, бутун совет халқига ра-
порт беришдек олий ҳуқуққа сазовор бўлайлик.

Ишга, азиз дўстлар! Коммунизм тантанаси йўли-
да янги меҳнат зафарлари сари!

РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА КОЛХОЗЧИЛАРИ, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ, МУТАХАССИСЛА- РИ, КОММУНИСТ ВА КОМСОМОЛЛАРИ, БАРЧА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК ХОДИМЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Биз ажойиб замонда яшамоқдамиз. Совет халқи
удуғ денинч партини йўлбошчилигида коммунизм
тантанаси учун курашиб, янги-янги галабаларни
қўлга киритмоқда. Сеникли социалистик Ватанимиз
кун сайин тобора барқ уриб ишлаб, тобора забар-
даст, тобора бой ва қудратли бўлиб бормоқда.

Партия XXII съезди, КПСС Программанинг
буюк ғоялари совет кишиларининг ғайратини мис-
сиз ошириб, уларни меҳнатда шонли зафарларга
илҳомлантириб юборди. Ватанимизнинг ҳамма то-
монларида, унинг бепоён бағрида илҳомбахш, ижод-
ли меҳнат жўш урмоқда. Қудратли яратувчиллик
завқ-шавқига тўлиб-тошган халқимиз ҳамма жой-
да—янги қурилишларнинг ҳавозаларида, шахталар-
нинг забойлари ва заводаларнинг пехлариди, колхоз
ва совхозларнинг поёсига далаларида ўзининг бу-
тун куч-қувватини, билиминини, ғайратини, юрагини
бу бутун ҳароратини жонажон мамлакатимизнинг
бойлигига бойлик қўшишга, коммунизмнинг моддий
техника базасини яратилишга сарфламоқда.

Коммунизм «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма
нарсани инсоннинг бахт-саодати учун» деган эзу ва
олижаноб широр остида миллионларнинг меҳнати
билан барпо қилинмоқда. Коммунизм—бизнинг бую-
к ва равшан мақсадимиз, порлоқ эртанимиз.
Коммунизм ҳозирги куннинг ўзидек шаддам қа-
дамлар билан турмушимизга кириб, унинг ҳусни-
га-хусн қўшишга ҳар бир хонадонимизни бахт-са-
одат ва шоду ҳушрамли билан тўлдирмоқда.

Партиянинг унинг ҳақ бахт-саодати учун тоғмас
курашиши Никита Сергеевич Хрущев бошчилиги-
даги Ленинч Марказий Комитети ютуқларимиз та-
гин ҳам саломатлиқ бўлиб, меҳнаткашларнинг
моддий ва маънавий талаблари кун сайин тўлароқ
қондирилиб, деҳ ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг
қарорлари мамлакатда ҳақ ҳўжалигини янада ри-
вожлантириш, партия XXII съезди чизиб берган
тарихий режаларни муваффақият билан амалга
ошириш тўғрисидаги эзу ғамхўрлик руҳи билан
сугорилган. Бу қарорлар ҳўжалик ва маданый ку-
рилишга раҳбарликни тақомиллаштириш йўлида
қўйилган эзу революцион қадамлар. Бу қарорлар
халқнинг ташаббускорлигига, ишлаб чиқарувчи куч-
ларини ривожлантиришга кенг майдон очиб қўйди,
саноат ва қишлоқ ҳўжалик махсулотларини жадал
суръатлар билан кўпайтириш иқтисодини бермоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари умумхалқнинг ком-
мунизм учун курашида беҳиш муҳим вазифани
ҳал қилмоқдалар. Бизнинг республикамиз—мамла-
катнинг асосий пахта базасидир. Пахта—комму-
нистик мўл-қўлчилик дастурхонига қўшадиган асо-
сий ҳиссамиздир. Давлат манфаатлари мана шу
энг қимматли ҳом ашёни етиштиришни бутун чора-
лар билан кўпайтиришни талаб қилмоқда. Ўртоқ
Н. С. Хрущевнинг ифодати таъбири билан ай-
тганда, бу ҳом ашё олтиндан ҳам қимматдир.

Пахта—Ватанимизнинг жадал катта бойлиги,
бизнинг шон-шарафимиз ва ифтихоримиз. Пахта—
кийим-кечак ва озиқ-овқат, пахта—ҳиния ва чорва-
чиликни ривожлантириш, пахта—мамлакатимизнинг
мудофаа қудрати, унинг халқаро алоқаларини мус-
таҳкамлаш воситиси демакдир. Бинобарин, биз
пахта етиштиришни ҳамма ғўзининг қардош совет
халқлари олдиди, социалистик мамлакатлар
бўлимас ҳамдўстлиги олдиди энг биринчи вата-
нпарварлик, интернационал бурчимиз деб билиб кел-
дик ва шундай деб биллаверамиз.

Ўзбекистон меҳнаткашлари пахта учун кураш-
нинг қаҳрамонона йилдомасига бир талай шонли
саҳифаларни ёздилар. Бизда «оқ олтин» мўл ҳо-
сили усталарининг, колхоз ва совхоз ишлаб чиқ-
аришдаги ажойиб ташкилотчиларнинг кўп сонли от-
ряди ўсиб етишди. Уларнинг номлари ва шавкат-
ли меҳнати бутун мамлакатга маълум. Ҳар бир об-
ласт, ҳар бир районда машаалларимиз эркин нур
сочиб, бутун пахтакорлар армиясининг йўлини ёри-
тиб турибди.

Хоразм областининг пахтакорлари фидокорона
меҳнат қилиш намуналарини кўрсатишди. Улар ет-
ти йилликнинг тўрт йили ичюда давлатга контроль
рақамларда кўрсатилганидан ташқари 149 минг тон-
на пахта беришди.

Иш моҳирлики билан уюштирилиб, илгор агро-
техника усуллари тўғр қўлланилса ва комплекс
механизация кенг жорий қилинса, республикадаги
ҳар бир колхоз, ҳар бир совхоз пахта етиштириш
соҳасида давлат афандилиги ва социалистик маж-
буриятларини муваффақият билан бажара олади,
илгорлар тажрибаси бундан яққол далолат бериб
турибди.

Шунга қарамай, кўпгина колхоз ва совхозлари-
миз мавжуд резервлар ва иқтисодлардан фойда-
лана билмаганликларини, давлатдан анча қардор
бўлиб қолганликларини аниқлиб эътибор қилишга
мажбуримиз. Республика етти йилликнинг тўрт йи-
ли ичюда давлатга олти юз минг тоннадан кўпроқ
пахтани бера олмади. Бунга тоқат қилиб бўлмайди.
Бунинг учун партия олдида, мамлакат олдида ҳар
биримиз жавобгаримиз. Бас шундай экан, етти йил-
ликнинг бешинчи йилини пахтачиликни кескин
юксалтириш йилига айлантирмоқ учун ҳамма чо-
раларни кўрмоғимиз керак. Бу бизнинг шон-шараф
ишимиз, аялдон ишимиздир.

Азиз ўртоқлар!

Пахтачиликни ривожлантириш ҳаммаша партия
билан халқнинг диққат марказида бўлиб келди ва
ҳозир ҳам шундай.

Пахта тўғрисида бутун мамлакат ғамхўрлик қи-
лади. Агротехниканинг янги усуллари қидираёт-
ган олим ҳам, янги навлари етиштиратган селек-
циячи ҳам, янги техника яратётган конструктор
ҳам, янги каналлар қазитган ирригатор ҳам, ян-
ги гидротехника иншоотларини барпо қилаётган қу-
рувчи ҳам, машина, ғўит, заҳарли химикатлар иш-
лаб чиқараётган ишчи ҳам пахтага ўйламоқда. Пах-

тачиликка ниманки зарур бўлса, биз шунинг ҳам-
масини мамлакатнинг барча томонларидан олиб ту-
ришимиз.

Биз пахтачилик учун курашда партия Марказий
Комитети, Совет ҳукуматининг ва шахсан пахта-
корларнинг қадрдон дўсти Никита Сергеевич Хру-
щевнинг оталарча ғамхўрлиги ва мадакорлигини
кун сайин сезиб туришимиз, удуғ рус халқининг,
Ватанимиздаги барча халқларнинг қардошларча
сахий ёрдамини сезиб туришимиз.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари шу йилнинг
ўзида қариб 11 минг трактор, 5 минг пахта те-
риш машинаси, 580 экскаватор, 2 минг автомобиль,
кўп-қанорсиз пахта ташийдиган 11 минг трактор
пришиб, 1 миллион 665 минг тонна минерал
ўғит оладилар. Мелиорация ва ирригацияга 180
миллион сўм капитал маблағ сарфланади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар
Советининг «Пахта» қарар қилиш ва топириш
нарсаларини охириги ҳақида ҳамма пахтакор қол-
хозларга гафла сотиш тўғрисидаги қарори пахта-
корлар қалбиди самимий миннатдорлик ва чўқур
ташаккур туйғусини ошириб, уларнинг меҳнат ғай-
ратини ва сиёсий активлигини беқисс кучайтириб
юборди.

Бу—совет пахтачилиги тарихида, ҳар бир пахта-
корнинг ҳаётида жадал катта вақеа бўлиб, пахтакор
республикалар иқтисодини ва маданитарини янада
илминати, меҳнаткашлар моддий фаровонлигини
ошириш тўғрисида партия ва ҳукумат тинмай ғам-
хўрлик қилаётганлигининг янги ёркин ифодасидир.
Пахтанинг нархлари оширилиши натижасида кол-
хоз ва совхозлар кўшимча равишда жадал катта
пул даромади оладилар. Бу даромадлардан асосан
меҳнатга қишлоқ ҳўжалик учун, пахтачиликда иш-
лаётган қишлоқ меҳнаткашларининг моддий ман-
фаатдорлигини ошириш учун фойдаланилади.

Ўз зимманимизга олган социалистик мажбурият-
ларни бажармас, бу—партия ва ҳукуматнинг ота-
ларча ғамхўрлигига қайтарган энг яхши жавоби-
миз бўлади. Бу йил мамлакатга 3 миллион 566
минг тонна пахта бериш—Ўзбекистондаги барча
меҳнаткашларнинг муқаддас бурчи, жанговар ва-
зифасидир.

Умумхалқнинг мўл пахта учун курашида ҳар
бир киши ўз ўрнини эгаллаш, ўзининг бутун куч-
нини тўла ишга солиб, виждонан меҳнат қилиши
керак! Бу йил—ҳамма қадрларимиз етуклиги ишти-
хондан ўтадиган йилдир. Бинобарин, ҳар бири-
миз бу иштихондан шараф билан ўтмоғимиз керак.
Сўз берганимиз—удасидан чиқ, ваъда қил-
ганимиз—бажар—ишга чинакам коммунистик му-
носабат ана шундай бўлиши лозим. Бизда ўз маж-
буриятини бажармаган биронта ҳам ишлаб чиқ-
ариш бошқармаси, биронта ҳам колхоз, совхоз, бри-
гада, зверо бўлмаслиги шарт.

Азиз ўртоқлар!

Мўл ҳосил учун курашда масъулиятли давр—
чигит экиш бошладиган. Ҳозир ҳар бир кун, ҳар бир
соат ғамият. Эл орасида. «Қўлмал қаракат—
кузги баракат» деб беиз айтилмаган. Экинчи
ушқоқлик билан юқори агротехника даражасида
ўтказиб, чигитни ерининг ўз намтига бир текис со-
лом ундириб олак, бу билан мўл ҳосилга мустаҳ-
кам замин яратган бўламиз.

Бутун республика территориясида ҳозирги ша-
рон экинчи кенг авж олдириб юбориш учун ку-
лайлик тўғрисида. Айрим ҳўжаликлар, ишлаб
чиқариш бошқармалари ва обдластарнинг сусткаш
қилиб қолётганликларини ҳеч нарс билан
оқлаб бўлмайди.

Шу ҳолдан ташвишланган Ўзбекистон Компар-
тияси Марказий Комитети, республика Олий Со-
вети Президиуми ва Министрлар Совети қишлоқлар-
даги барча меҳнаткашларга мурожаат қилиб, улар-
ни дала ишлари фронтини кун сайин кенгайтириш-
га, чигитни иқтиёда қисқа ва энг яхши муддат-
ларда экиб олиш учун ҳамма чораларни қўришга
қайирадилар. Экин суръатлари юқори бўлиши би-
лан бирга, иш сифати ҳам аёло даражада бўлиши
лозим.

Квадрат-уялаб чигит экиш ва аниқ миқдорда
уруғ ташландиган сезилкалар билан чигит экиш
планини тетроқ бажаришга алоҳида эътибор бе-
ришмоғи керак. Шунинг эса тўтиш лозимки, экин-
нинг худди ана шу прогрессив усуллари қўлланил-
ган жойларда ёгингарчилик натижасида пайдо
бўладиган қатқалоқнинг зарарли таъсири яхши-
роқ бартараф қилинади, меҳнат ва маблағларини ан-
ча тежаб қилишга, мўл ҳосил етиштиришга эриши-
лади. Нақда айтилганидек, «даладати квадрат—
сени қилар бадавлат».

Бу ишда, механизатор ўртоқлар, ҳамма нарс
сизга боғлиқдир. Энг замонавий техника сизнинг
қўлингизга бериб қўйилган. Шу техникадан уста-
лик билан фойдаланиб, уни қувват борица ишла-
тиб, агротехника қондаларига қатъий риоя қи-
линг. Халқ сизларга дала гвардиячилари деб ном
берган. Шу фахрли номга муносиб бўлинг.

Ҳамма пайкаларда ғўза тўшларининг нормал
қилинлида бўлиши—мўл ҳосил етиштиришнинг
ҳал қилувчи шартидир. Бунинг унутмаг, ўртоқлар!
Ерининг ҳар бир қаричидан тадбиркорлик билан
фойдаланиб, ҳар бир гектарининг тўла бўлиши
учун курашинг. ғўзаларини ола бўлишга йўл
қўймаг, уларни қишлоқ ҳўжалик зараркуналдари
ва бегона ўтлардан авайлаб сақланг. Яганалаш-
га, букетларни ростилашга, қатор орасини ишлашга
ва ғўзани озиклантиришга ўз вақтида киришинг.
Ғўза парварлишида андак ҳам узилиш бўлмасин!

Пахтакорлар қадимдан сувин экиннинг қони деб
ҳисоблашади. Мўл пахта учун кураш сув ресуре-
ларидан тўри, оқилона фойдаланиш билан узвий
равнида боғлангандир. Бу иш кўпгина ариқларда
сув камчил бўладиган бу йилги шароитда алоҳида
аҳамиятга эгадир. Бинобарин, биз бу қийинчиликлар-
ни бартараф қилиш, юксак даражадаги ушқоқли-
гимиз билан уни енгитиш учун ҳамма чораларни
кўрмоғимиз керак. Ҳамма сув омборларида макси-
мал миқдорда сув жамғариш, экинларни сугориш
учун сизот сувлар ва ер ости сувларидан
фойдаланиш, коллекторлар, зовурлар, қудуқ-
ларга ўрнатилган ҳамма насосларни ишга ту-
шириш, янги артезиан қудуқларини тетроқ ишга
соллиб юбориш лозим. Сувни кўпроқ тежаш учун
каналларга бетон қоплашни тезлаштирмоқ керак.
Қўшимча сув ресурсларини қидириб топиб ишга
соллиш—энг муҳим аҳамиятга эга бўлган вази-
фадир.

Лекин қўшимча сув манбаларини қидириб топиш-
нинг ўзи билан иш битмайди. Энг асосий вазифа
ҳар бир дитр сувдан тежаб-тергаб, тўри ва энг са-
марали фойдаланишдир. Бу эса сувин ўртоқлар,
аввало, сизнинг ишингиздир. Мўл ҳосил учун ку-
рашининг муваффақияти, барча пахтакорлар меҳна-
тининг самарали бўлиши сизнинг маҳоратингизга,
ишга виждонан қарашингизга, сабот-матонатингиз
ва эңчилигингизга боғлиқ.

Сувчиларнинг иши колхоз, совхоз ва ишлаб чи-
қариш бошқармалари раҳбарларининг диққат мар-
казида турмоғи керак. Ҳар бир ҳўжаликда иррига-
тор пахтакорлар орасидан танлаб олинган сувчи-
ларнинг гуруҳлари тўзалиб, унга гидротехниклар
ва агрономлар бошчилиги қилинлар лозим. Ғўзани
кеч-қушда давомда сугориш, тунги сугоришларга
алоҳида эътибор бериш зарур. Сувчилар жома-
роқ, поймафал билан таъминланган ҳақида улар-
нинг меҳнатига ҳақ тўлашда рағбатлантирувчи тар-
тиб белгилаб қўйилиши керак.

Совет пахтачилигини қўлаган манзилга олиб
борилган йўл—техника тараққиёт, комплекс ме-
ханизациядир. Биз шу нарсани мамумунли билан
таъкидлашимизки, партия ва ҳукуматнинг лаво сиё-
сий тўғайли колхоз ва совхозлар пахта етиштириш
соҳасидаги ишларни дотро тўла маънавлантириш
иқтисодига эга бўлади. Эндилеки пахтачиликда
комплекс механизациянинг асосий эвеноси бўлган
хосил теримида машиналардан кенг фойдаланиш
масаласи ғўят кескин қилиб қўйилмоқда.

Бу йил терим ишлари юксак даражада машина-
лаштирилган йўл бўлимоғи керак. 850-700 минг
тонна пахтаги машиналарда териб олиш ҳақидаги
мажбуриятимизни муваффақият билан бажариш учун
хозирандоқ даладарини тайёрлаб, уларни яхши те-
кислаш, машина терим учун ажратилган участка-
ларда чигитни ўз вақтида аёло сифати қилиб экиб
олиш зарур. Ана шу участкалар ҳар жиҳатдан на-
мунали бўлиши, машина терим талабларига тўла
жавоб бериши лозим.

Қадрларининг иш ишга қандай муносабатда
бўлишлари, пахтаги кўпроқ машинада теришдан
иборат жадал муҳим вазифани қандай ҳал қилиш-
лари уларнинг пахтачиликни янги, прогрессив асосда
олиб боришдаги қобилиятларини кўрсатиб беради.
Пахта даладарига ҳамма ишларни тўла механиз-
ациялаштирайлик!

Биз пахта учун тинмай кураш олиб бориш билан
бирга, чорвачиликни ривожлантириш тўғрисида кун
сайин ғамхўрлик қилишимиз керак. Бизнинг шно-
римиз ишчи, пахта ҳам, гўшт ҳам, сўт ҳам мўл
бўлсин!

Биз экин майдонлари структурасини тақомил-
лаштириб, алмашлаб экинни тўри жорий қилиш-
ни, алмашлаб экишда пахта, макжаҳўхори, оқжў-
хори, нўхат салмоғини кўпайтиришимиз лозим.

Макжаҳўхори ва оқжўхори, нўхат ва бедадан
юқори ҳосил олinsa, ем-хашак мўл-қўл бўлиб, чор-
вачилик махсулотларини ғўят ошириш учун негиз
яратилди.

Азиз ўртоқлар!

Қишлоқ ҳўжаликни соҳасида олдимизда мураккаб,
кўп қиррали ва масъулиятли вазифалар турибди.
Бу вазифаларни ҳал қилишда ишлаб чиқариш бош-
қармалари, партия комитетларининг ходимлари,
қишлоқ ҳўжалик мутахассислари, колхоз ва совхоз
раҳбарлари етакчи роль ўйнамоқлари керак.

Ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари!
Сизлар колхоз-совхоз ишлаб чиқаришнинг жанго-
вар ташкилотчилари ҳисобланасиз. Сизларнинг бур-
чингиз ташкилотчилик ишини кучайтириш орқали
ҳамма колхоз ва совхозларни илгорлар даражасига
қўтариш, қадрларга энг яхши меҳнат намуналари
асосида таълим бериш, фан ва илгор практика
ютукларини кенг жорий қилишдан иборат.

Ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхоз-
ларининг раҳбарлари! Иқтисодий ишни муттасил ях-
шилаб, ички ҳўжалик ҳисобини ҳамма жойда жо-
рий қилишга эришинг, даромадларини тўғри тақсим-
лаб, маъмурий идора аппаратини қисқартириб,
колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий ман-
фаатдорлигини ошириш, уларнинг меҳнатига етиш-
тирилган махсулотларини миқдорини, сифатини ва танна-
хига қараб ҳақ тўлаг.

Қишлоқ ҳўжалик мутахассислари! Агроном ва
ирригаторлар, инженер ва техниклар, ветеринария
ходимлари, зоотехниклар, экономистлар! Ишнинг
муваффақияти кўп жиҳатдан сизларга, сизларнинг
ижодий ғайрат билан астойдил ишланганингизга бо-
лиқ. Фан ютуқлари ва илгорлар тажрибасини сабот
билан жорий қилинг, ишлаб чиқаришнинг чинакам

командирлари бўлинг, иш сифатига ғўят талабчан-
лик билан қаранг, камчиликларга нисбатан при-
ципал ва муросасиз бўлинг, бутун куч-қувватингиз
ва билимингизни пахта ва бошқа экинлар ҳосил-
дорлигини оширишга, чорва махсулдорлигини кў-
пайтиришга сарфланг.

Ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитет-
ларининг ходимлари! Оиманинг жанговар ташки-
лотчиси, сиёсий раҳбари бўлинг. Одамлар билан
ишлаш—партия ходимининг энг олий бурчи
эканини эсда тутинг. Бутун қишлоқ меҳнаткашла-
ри армиясининг меҳнатдаги ғайратини ва сиёсий
активлигини тинмай оширинг, социалистик мусоба-
қани ва коммунистик меҳнат учун ватанпарварлик
ҳаракатини кенг авж олдинг. Партия ва ком-
сомол ташкилотларининг жанговарлигини зўр бериб
оширинг, коммунистлар билан комсомолларнинг
жой-жойига тўғри қўйилишига эришинг, қадрларни
юксак талабчанлик, масъулият ва интизом руҳида
тарбияланг.

Халқимиз Ленин партиясининг ва Ленин ком-
сомолнинг фарзандларини халқша коммунизм кў-
рашчиларининг олдини сафларига қўришга одат-
ланиб қолган. Коммунизм ва комсомоллар! Мўл
пахта учун курашининг олдини сафига бўлинг, кол-
хоз ва совхоз ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи
уастакларига бориб юксак меҳнат намуналарини
кўрсатиш ва шахсий ибратингиз билан бутун
халқни социалистик мажбуриятларини муваффақият-
ли бажариш учун курашга олтанинг. Шу кун-
ларда сизнинг ўриниңиз далада, экин экинлаётган,
хосилнинг тақдирини ҳал бўлаётган жойдадир.

Партия, совет, касаб союзи органларининг хо-
димлари, ҳўжаликларнинг, маданый, савдо ва со-
ғилчи сақлаш муассасаларининг раҳбарлари! Пахта-
корларнинг маший ахтиёкларини ва маданый та-
лабларини тўлароқ қондириш тўғрисида муттасил
ғамхўрлик қилинг, ҳар бир боғланган экин жи-
ҳозланган дала шийовини бўсин! Болалар муасс-
асаларининг зарур шохобасини сира текширмал-
ишга туширинг, ҳамма бригадаларда есенк овнат
тайёрлашни қўлга қўйинг, колхозчилар ва совхоз
ишчиларига савдо, меҳиния хизмати ва маданый
хизмат кўрсатишни яхшиланг.

Азиз ўртоқлар!

Турмушимизнинг ҳар бир кунини новаторлик руҳи
билан нафас олмада ва давлат манфаатларини,
партия билан халқ манфаатларини ҳамма нарсдан
азиз билиб, ижодий излашни ва ғайрат билан меҳ-
нат қилаётган кишиларни—янги нахрамонларни
бунёдга келтирмоқда.

Бутун мамлакатга донг таратган механизаторлар-
дан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунбой Оху-
нова ва Валентин Тюпко колхоз уастакларига ишга
ўтидилар. Уларнинг бу олхиямат ишга эрга-
шадан кишилар тобора кўпаймоқда. КПСС Мар-
казий Комитети ва СССР Министрлар Советининг
пахтани ҳарид қилиш нархларини ошириб тўғри-
сидати қарори ватанпарварлик ғайратини янада
ошириб юборди. Ҳозирнинг ўзидек мингглаб ил-
горларимиз колхоз бригадаларга ўтди. Илгорлар са-
фига чиқиб олмишда ўртоқларига қўмак беришдек
жўшқин иштиёк билан кийноқ уастакларига иш-
га «таётган кишиларга шон ва шарафлар бўлсин!»

Қолоқ ҳўжаликларини олтаника олаётган илгор
ҳўжаликларнинг ташаббусини бутун халқ маъқул-
лад. Бу ҳаракатнинг замирида чўқур маъно бор.
«Энг қўшим—жон қўшим» деган иқиматли сўз-
ларда коллективлар ўртасидати чинакам коммуни-
стик муносабат ўз ифодасини топади. Бу муносабат-
лаб эса уларнинг ҳамкорлигини янги мазмун билан
бойитмоқда, коммунизм қувватларини ахлоқ кодек-
сининг ҳаёбатли идеялари амалий ишларда мухас-
самлашаётганини кўрсатмоқда.

Совет Иттифок Коммунистик партияси Марка-
зий Комитети ўзининг Биринчи май Чақирлиги
да бундай дейди:

—Қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари! Қўлдамги
экинни намунали ўтказиш учун, дон, техника экин-
лари ва чорвачилик махсулотлари етиштиришни
анча кўпайтириш учун умумхалқ мусобақасини кенг
авж олдингиз!

Партиянинг Ленинч Марказий Комитетининг бар-
ча қишлоқ меҳнаткашларига қаратилган бу оташин
Чақиринг ҳар бир совет кишинининг қалбига эзу
акс садо бермоқда. Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқ-
аришини кескин юксалтириш учун кураш—комму-
нистик қурулишнинг зарбдор фронтидир.

Азиз дўстлар, Ўзбекистон пахтакорлари! Мамла-
кат биздан кўпала «оқ олтин» кутмоқда ва биз шу
«оқ олтин»ни бермоғимиз керак. Бунинг учун ҳам-
ма иқтисодларимиз бор. Иш фақат ўзимизга,
ғўзимизнинг ушқоқлигимизга, фидокорона меҳнат
қилишимизга боғлиқ.

Дала ишлари суръати ва сифатини оширайлик!
Социалистик мусобақа байроғини балад кўта-
райлик!

ИЛҒОР ТАЖРИБА — ХАЛҚ БОЙЛИГИ

Бу саҳифа Чирчиқ саноатчиларининг
илғор иш тажрибаларига бағишланган



Чирчиқ ГЭСлари наснади шаҳарда коммунистнинг меҳнат коллективи деган улуг номига сазовор бўлган қалдирғоч норхонадир. Ҳозир наснадга қарашли ГЭСларнинг барча агрегатлари сифатли ремонтдан чиқарилиб, ёзги мавсумга тахт қилиб қўйилди. Суратда: наснаднинг бош узели — Ком. сомон ГЭСи бошлиғи Владимир Квитницкий (чапда) ва хизматчи Василий Петров ремонтдан чиққан гидрогенераторни кўздан кечиришмоқдалар.

ЯНГИЛИККА ҚАНОТ БЕРИБ

Меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириб бериш коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиб учун курашда асосий роль ўйнайди. КПСС XXII съездида, шунингдек партиянинг Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида бу масала алоҳида эътибор берилди. Техника тараққиётини маддаллаштириш меҳнат унумдорлигини ошириш ва тайёрланаётган маҳсулот таннархини камайтиришнинг муҳим шартидир.

Партиянинг Марказий Комитети олдинмига қўйган улкан вазифалар нуқтаи-назаридан коллективимиз ишига кўз ташлар эканмиз, бу соҳада бир мунча ютуқларга эришганлигини кўнун билан қайд этаоламиз. Корхонамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари бир ёқадан бош чиқариб, ўтган йили сезиларли муваффақиятларни қўлга киритдилар. Пландатидан таъқирли 1028 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Меҳнат унумдорлиги белгиланганидан 5,6 процент оширилди, маҳсулот таннархи 1,5 процент камайтирилди, 228 минг сўмлик фойда кўрилди. Шу йилнинг ўтган ойлари топириғи ҳам ортиғи билан бақарилди, асосий кўрсаткичлар бўйича дуруст натижаларга эришдик. Неарта планига қўшимча қишлоқ хўжалиғига ўнларча машина етказиб бердик. Ҳозир корхонамизда майонди социалистик мусобақаси ави олиб кетган.

Шу нарсани кўнун билан қайд этиш керакин, мамлакатимизнинг бошқа корхоналарида туғилган ташаббуслар заводимизда ҳам шундай издошларига эга бўлади. Айниқса коммунистчасига ишлаб, коммунистчасига паша учун курашувчилар сари улаймоқда. Ҳозирги вақтда корхонамизнинг 19 бригадаси, бир сменаси, уч участкаси фахрли номи кўлга киритди. Яна 8 цех, 20 смена, 18 участка, 55 бригада коммунистнинг меҳнат коллективи деган шарафли ном учун курашмоқда.

Заводимизда коммунистнинг меҳнат учун мусобақа шайбани тузилган. 17 ишчида иборат бу шайба 2-цех партия ташкилотининг секретари, контролер меҳнат ўртоғи Тоғоев раҳбарлик қилмоқда. Шайба аъзолари ҳар кварталда мусобақа янунларини кўриб чиқадилар, унинг беришига бево, сита раҳбарлик қилишади.

Корхона партия комитети ва цех партия ташкилотлари илғор иш тажрибаларини ёйиш масаласига катта эътибор бериляпти. Маълумки, ўтган йили «Ташхилмаш» заводининг ўртоғи В. Мельников бошлиқ коммунистнинг меҳнат бригадаси аъзолари фойдаланилмаётган резервларини топиш ва сафарбар қилиш эвазига ўз нормаларини ошириш ҳақида муҳим ташаббус бошлашган эди. Корхонамиздаги ўртоқ Галина Зайцева бошлиқ бригада ишчилари бу чақириница биринчилар қаторида қўшилди ва 1962 йилнинг декабрь ойидан буён йилги норма асосида ишлаб келмоқда. Улар ўтган 3 ой ичида 300 дан зиёд норма — соат вақтини тежашди. Ҳозир курак теричи ма-

шинасининг СКО-6030 деталини ишлашга ўртоқ Г. Зайцева бригадасида 32,6 процент вақт кам сарфланмоқда.

Илғор бригаданинг иш тажрибалари заводимизда чиқарилган чўп нусхали газетда, кўргазмаларда, агитацияда, нағовар варақаларда кен ёйилди. Кейинчалик кўплаб бригадалар оширилган исроми олиб ишлаб-юшладилар. Ҳозир 3-цехдаги бирқанча бригадалар ички резервларини ишга солиш ҳисобига қишлоқ хўжалик машиналари деталларини ишлашга етказиб берилди. Меҳнатнинг камайтириб, иш унумини бир мунча оширишга муваффақ бўлмоқдалар. Масалан, СКО-4 деталларини тайёрлашда иш унуми 10-12 процент ортди.

25-цех механиғи ўртоқ Муровских бекор ётган 3 та ярим автомат станокни модернизация қилди ва деталлар тайёрлашга мослаштирилди. Илғари бир тонаро сменада 60—70 та деталь тайёрлаган бўлса, Ҳозир 160—180 тадан ишлаб чиқармоқда. Бу янгилик корхонамизга йилга 1,5 минг сўмлик фойда келтирди.

Заводимизда ухшаш норхоналардаги янгиликларни қўлланшга катта эътибор берилмоқда. Бир группа кўнунлар Харьнов трактор заводига бориб келишган, уш участкаларида ишчи қайта ташкил этилди.

Тошкент экскаваторчилари бошлаган қимматли ташаббусга биз ҳам қўшилганмиз. Корхонамиз техника зивиллари ва ишчилари йилида бўлиб ўтган йилгишда зиммаларига конкрет мажбурият олишди. Йил охирига қадар ҳар бир ишлаб чиқариладиган «НУ-4—6» маркали нултиватордан 6,2 соат, «СКО-4» курак теричи машинасида 60 соат, 1 тонна пўлат қуломаси тайёрлашдан 7,5 соат-вақт тежашга аҳд қилдик. Ҳар бир инженер-техник ходим конструкция ва технологияни тақомиллаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг яхшилашга қаратилган тақлифларини киритиш тўғрисида бир нултиватордан 6 минут, курак теридиган машинадан 54 минут тежаш қилишга аҳд бердик. Шундай қилиб ҳар бир техника зивили йил мавсумида машиналар ишлаб чиқаришга етказиб, меҳнат сарфидини шахсан 560 норма-соатга қисқартириш керак.

Заводимиздаги технолог ўртоқ Филипповнинг тақлифи билан ҳар бир инженер-техник ходим ишлаб чиқариш бригадасини аталгани олди. У бригадига меҳнат сарфидини камайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилашда амалий йиқатдан ёрдам берди.

Шундай қилиб экскаваторчилар бошлаган ташаббусни биз ўз шартининг асосида янада бойитдик. Меҳнатсевар коллективимиз улуг етти йилликнинг бешиғини йили топириғини кўнунлар кўрсаткичлар билан янқулаши шик-шубҳасиздир.

В. ЛИПЛИН,
«Чирчисельмаш» заводи партия комитетининг секретари.

Ҳозир 3 сўм 83 тиғин, ўртоқ Мартин бошлиқ бригадасида аса ҳатто 4 сўм 5 тиғини ташкил этади.

Авалда пайларда уйларга одамлар қўчиб кирадиган кейин ҳам унинг нуқсонларини бартараф этишга қўплаб куч ва қўшимча маблағ сарфлаш ҳолатлари бўлиб туради. Масалан, 228-УНР бир вақтлар янговчилар талаби билан фойдаланишга топирилган уйнинг кам-кертисини тўғрилашга 3000—4000 сўмлик чиқим қилган пайларда кўп бўлган. Эндиликда бундай қўнқисиз ҳолатлар хотима берилди.

Машғал буюкорлар — Х. Чебанов ва Н. Мартин ўртоқлар бошлиқ бригадалар бу йил ўзлари қўрган барча уйлари арактияли паспорт билан фойдаланишга топирилган. «Сў» беришган. Трест бўйича қўрилган уйлarning теғарлида бу йил шундай паспортлар бўлади.

Яқинда 160-трест бошқармаси, партия, касоба союз ташкилотлари ҳақида сўбаси ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг Чирчиқ шаҳар бўлими махсус плакат чиқаришди. Унда Х. Чебанов ва Н. Мартин ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг иш тажрибаси ҳикоя қилинган. Чиндан ҳам бу ажойиб ватанпарварлик ташаббуси ҳар қанча кенг оммалаштиришга, қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

Т. МИРХОДИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

Норбу Шунуоровнинг пойафзал фабрикасида биринчи бор қадам босганига 11 йил бўлди. Ҳозир у норхонанинг энг пешақам пойафзалчиларидан бири, коммунистнинг меҳнат бригадасининг аъзосидир. Норбу байрамолди меҳнат вақтасида ишлаб, смена нормасини 105-110 процентдан адо эталяпти. У бақарган ишнинг сифатидан коллектив хурсанд. Суратда: етти йилли илғори Норбу Шунуорова иш устида.

А. Абалин фотолари.

Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари!
Комплекс механизация ва автоматлаштиришни амалга оширингиз, фан, техника муваффақиятларини ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий қилингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1963 йил 1 Май Чақиринларидан).

ПАХТАКОРЛАРГА МАДАДКОРМИЗ

Комбинатимиз Ўзбекистондагина эмас, балки Иттифоқдаги йирик химия корхоналаридан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиғимизнинг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар қилаётган комбинатимиз коллективи етти йиллик план топириқларини муваффақиятли бажариб келяпти. Ўтган йили аммиак ва аммиак селитраси тайёрлаш ўнларча процент кўпайди. 1959-1962 йиллар ичида меҳнат унумдорлиғи 22 процент ошди ва маҳсулот таннархи 18 процент арзонлашди.

Бундай зафарларга техникани тараққий эттириш, иш жараёнларини дадил тақомиллаштириш йўли билан эришмоқдамиз. Янги метан конверсияси цехи қуриб ишга туширилди. 7-цехнинг 2 корпуси фойдаланишга топирилди. Корхонада ёнилғи сифатида Бухоро табиғий газидан фойдаланиш катта иқтисодий афзалликлар берапти. Аммиак цехида янги синтез агрегатлари ўрнатилди. Газ компрессорлари ҳам анча кўпайди.

Комбинатимиз ишчи-хизматчилари мавжуд техника ва ускуналардан самарали фойдаланиш учун ҳаракат қилиб, ички резервларини топиш ва уларни ишга солишга алоҳида аҳамият беришмоқда. Ўтган йилнинг ўзида ижодкорларимиз 900 тага яқин рационализаторлик тақлифини ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Бу тақлифлар йилига 459 минг сўмлик иқтисодий фойда келтирмоқда.

Жонажон Коммунистик партиямиз Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми материалларини чуқур ўрганган корхонамиз коллективи етти йилликнинг бешиғини йилида янги улкан марраларни кўзламоқда. «Деҳқонларга ҳамкоримиз!» деган шior остида бугун кечатидан, эртага бугунгидан баракалироқ меҳнат қилаётган химикларимиз маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кун сайин кўпайтираётдилар. Йиллик янги маҳсулот ишлаб чиқариш планини 24 декабрда адо этиш ва қишлоқ хўжалиғига пландан таъқари юзлаб тонна минерал ўғит етказиб беришга аҳд қилганмиз. Ваъдасига ҳамшиша вафодор комбинатимиз аҳли олигана мажбуриятларини шараф билан бажаришга муваффақ бўляпти. Етти йилликнинг бешиғини йилидаги дастлабки маррага анча илгари етиб келдик. Биринчи квартал плани муддатидан илгари бажарилди, планга қўшимча юзларча тонна минерал ўғит тайёрланди.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдек қўтлуғ ишга муносиб ҳисса қўиш ҳар бир совет кишининг вийдон бурчи. Чирчиқ химиклари ҳам бу шарафли ишга баракали ҳисса қўиш учун мусобақани авж олдириб, Иттифоқда энг арзон минерал ўғит ишлаб чиқаришга бел боғладилар. Ана шу мажбуриятни бажариш йилида дастлабки қувончли натижаларга эришилмоқда. Бу йил биринчи кварталда тайёрланган минерал ўғитнинг таннархи ўтган йилнинг шу давридагига қараганда анча камайд.

Ота-боболаримизда «Аравани баравар торғ» деган гўл бор. Яхши, хўп топиб айтилган гап бу. Мен ишлаётган биринчи цех ишчи-хизматчилари ҳам гайрат билан меҳнат қилиб корхона коллективи олган социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар этишмоқдалар. Цехимиз коллективи бу йил планга қўшимча мингларча тонна аммиак ишлаб чиқаришга аҳд берди. Машина ва ускуналар қувватидан унумли фойдаланиш эвазига 12 миллион киловатт-соат электр энергияси, 5 минг мегакалорий буг, 500 кубометр табиғий газ тежаб қилиш ниятидамиз.

Цехимиз коллективи ишчан, аҳил. Ички резервларини ишга солиш ҳисобига мажбуриятимизни ортиғи билан адо этишимизга ишончимиз комил. Рационализаторларимиз ишлаб чиқаришнинг кентик жойларини тақомиллаштириш борасида анчагина иш қилиб қўйдилар. Ижодкор ишчи ва хизматчиларимиз йил охиригача 120 тақлиф бериш ва улардан 96 тасини жорий этиб, камида 50 минг сўмлик фойда кўришга аҳд қилганлар.

Биринчи квартал топириғини барвақт адо этган цехимиз коллективи халқроқ бирдамлик кўни — 1 Май байрамини муносиб меҳнат тўенаси билан нишонлаш мақсадлида суръатга суръат қўиш ишламоқда.

Ўғит — ерга мадад, ҳосилга барак! Бунга жуда яхши тушушган Чирчиқ химиклари ўз анималарига олган мажбуриятларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақа байроғини кун сайин баланд кўтармоқдалар. Коммунистик меҳнат ва юксак маданият корхонаси деган улуг номи олиш учун курашаётган комбинатимиз ишчи-хизматчилари «оқ олтин» хирмонини юксалтиришда қишлоқ хўжалиғи меҳнаткашларига ҳамшиша ҳамкордилар.

Т. ОРИҚОВ

Электрхимия комбинати 1-цехининг машинисти.

«КАТТА ХИМИЯ» БУЮРТМАЛАРИ

Мамлакатимиз химия саноати корхоналари ва «катта химия» зарбдор қурилишларининг буюртмаларини муддатидан илгари бажарамиз! Заводимиз коллективининг аҳду-паймони ана шундай. Ишчиларимиз, инженер-техник ходимларимиз ва хизматчиларимиз ваъдасига вафодор ишчи бир жон-бир тан бўлиб фидокорона ишлашапти.

Бир неча кун илгари заводимизда янги машина — холодильник установкисининг дастлабки намуналари тайёрланди ва Черингов синтетик тола комбинатига юборилди. Бундай типдаги машина мамлакатда биринчи марта корхонамизда яратилди. Унинг келажиги катта. Шу сабабли заводимизга Иттифоқимизнинг турли чеккаларидан кўплаб буюртмалар келиб турибди. Жумладан, бундай машиналардан Бухоро — Ўрал газ магистралли турбина установкаларида қўлланиш мумкин.

Ажойиб машинани ишлаб чиқаришнинг ўзлаштиришда биринчи қозон цехининг ўртоқ Крюков раҳбарлиғидан бригада аъзолари катта ҳисса қўишлар. Коммунистик меҳнат корхонаси ишчининг олтин учун курашаётган заводимиз коллективи «катта химия» эҳтиёжларини учун турли хилдаги 39 та апарат ишлаб чиқариш топириғини муддатидан илгари бажариш мақсадига барча куч ва имкониятларини сафарбар қилмоқда.

А. ЖАББОРОВ,
«Ўзбекхиммаш» заводи мастери.

«МАСТЕРЛАР КУНИ»

Корхонада ишлаб чиқаришнинг ташкил этишда ҳар ижоддорнинг мастернинг роли гўл катта. Бошқача қилиб айтганда мастер — ўз участкасининг тўлақўнқули раҳбари, унинг ҳолати учун жавобгар шахс.

Шундай экан, мастернинг вазифалари, ҳуқуқлари кималардан иборат? Ўз участкасида ишчи қандай ташкил этишга юқори кўрсаткичларга эришиш мумкин?

Комбинатимизда ҳар ойда бир марта ўтказиладиган «Мастерлар кўни»да иш сингари масалалар ўртага ташланади. Илғор мастерлар иш тажрибаларини бир-бирларига билан ўртоқлашадилар. Яқинда бўлиб ўтган машғулотда комбинат меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи ўртоқ В. Салманов мастернинг ишлаб чиқаришдаги вазифалари ва ҳуқуқлари тўғрисида сўзлаб берди. 4-цех мастери ўртоқ А. Сиданова ва бошқалар сменасида ишчи ташкил қилиш соҳасидаги иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Беш кишидан иборат мастерлар Советини тўзганмики. Совет аъзолари ҳар бир машғулотни бево-сита бошқариб боришлар, иштак ва фикр-мулоҳазаларни тўлаб, келажик машғулот темасини белгилайдилар. «Мастерлар кўни» мазмунли ва фойдали бўлмоқда.

З. АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон қаттиқ қотишлар ва иссиққа чидамли металлор комбинати мастери.

ПАСПОРТЛИ УЙЛАР

Социалистик Чирчиқнинг меҳнатчилар пасекасидаги «қў қаватли уйлар қаторида пештоққа яқин қилиб «13» деб ёзиб қўйилган уй ҳам бор. 48 қаватли бу бино кўркам ва шиканлиқдан қўнқисизга чўддек ташланмиш туради. Унинг истаган қаватларига кириб, истиқомат қилаётганлар билан андак сўхбатлашиб кўриш-а, шу уйнинг қўнқисизлиги шайбани айтилган таҳсинларни эшитасиз.

— Шаҳарда биринчи бор гарантияланган паспортли уйга қўчиб қирганмиз, — дейишади улар. — Қўлинг дард кўрмагурс чебановчилар қўрилган бу уйни.

Уйлари меҳнаткашларга гарантияли паспорт билан топириш ташаббусини асида лекинградлик буюкорлар бошлаб беришган эди. Бу янгиликнинг Чирчиқдаги дастлабки ишчилари 228-УНРнинг коммунист Халқий Чебанов ҳамда «Чирчикхистрой» бошқармасининг Иван Мартин ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари бўлди.

Меҳнаткашларга тез, қиройил ва соз турар-юйлар қуриб берилди. Бу уйларида яшаётган кишилар уни қўрган буюкорлардан нолишмасин! Янгилик издошларининг ишори ана шундай эди. Ташаббускорлар аввало ишчи шу чўқча буюкорлик соҳасида айл қўйлаётган камчиликларни синчилаб ўранишдан бошлашди. Илгари фойдаланишга топирилган баъзи уйлarning ишчи — де-

разалари очилса ёпишмас, ёпишса очилмас, пардоз-андоз ҳам талаблар даражасида бўлмас эди. Оқибатда бу уйларида қўчиб қирган кишилар норози, қўнқисизларнинг қўнқисиз хижил бўларди. Ҳамма гап ишча масъулиятнинг йўқлиғида, буюкорлар «мендан кетгунча, эгасида етувунча» қабилда қўрилиб, иш сифати юзасидан қатъий назорат ўрнатилмасини эди.

Шундай қилиб уйлари гарантияли паспорт билан фойдаланишга топириш мақсадига мувофиқ деб топилиди, токи меҳнаткашлар дилари яшаб турган уйлари ким қўрилгани билсинлар, фикр-этирозларини уларга билдиришсин. Бордин, бир йил мобайнида уйнинг бирор қамчилиги топила, қўрувчилар ўз қўчлари билан уни тўзатиб беришсин.

Ишда қатъий тартиб ўрнатилди, масъулият оширилди, назорат қўйилди. Ғишт терувчилар қилинган ишчи сувоқчиларга, сувоқчилар бедекчиларга буюқсон топириш иш одад тўсига кирди. Иван Мартин бригадасининг буюқчилари ғишт терувчилик, сувоқчилик ва бедекчилик хўнорларини пухта эгаллаб олишди. «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган муқаддас принцип бригада ҳаётининг асосий қондиас бўлиб қолди.

Демак, ҳар бир қўрувчи эндиликда ўзига топирилган энди-фаза нисбатан чуқур масъулият ҳис этиши керак. Бригада ишчи участка бошлиғига махсус бланка билан топиради. Бошқарма бошқармачи участка бошлиғи еки проробдор ҳам бланка билан қўчи қилиб олади. Тайёр бўлган уй завоқчида гарантияли паспорт

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 13 АПРЕЛЬ, 1963 ЙИЛ.

